


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 29 октябрь, № 214 (6649) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

## ДЕПУТАТЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 2017 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ БЮДЖЕТЛАРИНИ, ШУНИНГДЕК, СОЛИҚ ВА БЮДЖЕТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

*28 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, мамлакатимиз Бош вазири Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги Бюджетномаси — Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳаларини кўриб чиқдилар. Мажлисда ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — молия вазири Р. Азимов маъруза қилди.

Таъкидландики, мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулкнинг ўрни ва ролини тубдан ошириш, хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилиш ҳисобидан юқори иқтисодий суръатларни таъминлаш вазифасини назарда тутади.

Мамлакатимиз ҳукуматининг жорий йил 15 январдаги мажлисида Биринчи Президентимиз Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг шу йил 8 сентябрдаги қўшма йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар асосида 2016 йил учун иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини амалга ошириш юзасидан кўрилаётган амалий чора-тадбирлар макроиқтисодий кўрсаткичларга муваффақиятли эришишни, жорий йилда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини ҳамда Давлат бюджетининг самарали ижро этилишини таъминламоқда.

Тақдим этилган лойиҳалар макроиқтисодий мувозанатни ва барқарор иқтисодий ўсишни сақлаб қолишга, давлат қарзининг асоссиз ўсишига йўл қўймасликка, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини янада юксалтиришни таъминлашга, чуқур таркибий ўзгартиришларга ва муҳандислик, йўл-транспорт ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича фаол инвестиция сиёсатини юритишга, шунингдек, бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш, ҳудудларнинг даромад базасини кўпайтириш ва маҳаллий бюджет харажатларини мақбуллаштириб, субвенция олувчи ҳудудларни камайтиришга қаратилган.

Шунингдек, келгуси йил солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳаси солиқ юкини янада камайтириш, солиқ тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмурчилигини яхшилаш, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар миқдорини янада оширишни, бюджет маблағларини самарали режалаштиришга, улардан фойдаланишнинг натижадорлигини оширишга ҳамда бюджетлараро муносабатларни такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутади.

Депутатлар келгуси йил учун шакллантирилган солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, шунингдек, асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар бўлган ялпи ички маҳсулотнинг 7,8 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 6,9 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг 6,2 фоизга, капитал қўйилмалар ҳажми 9,6 фоизга ўсиши кўзда тутилаётганлигини алоҳида қайд этдилар.

Парламент аъзоларини қизиқтирган барча масалалар юзасидан олинган батафсил ахборотдан сўнг мамлакатимизнинг 2017 йилги Давлат бюджети лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинди. Муҳокама давомида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини, таълим, соғлиқни сақлаш, фан, маданият ва жамиятимиз ҳаётининг бошқа жабҳаларини ривожлантириш дастурлари ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштирилиши муҳимлигини таъкидладилар.

— Фракциямиз аъзолари 2017 йилги Бюджетнома лойиҳасида солиқ сиёсатида солиқ юкини пасайтириш, солиқ тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмурчилигини яхшилаш кўзда тутилаётганига алоҳида эътибор қаратдилар, — дейди **Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси Э. Холбўтаев.** — Хусусан, келгуси йилда мамлакат иқтисодиётига солиқ юкини ялпи ички маҳсулотга нисбатан жорий йилдаги 20,2 фоиздан 18,9 фоизгача камайтириш кўзда тутилмоқда.

Энг муҳими, 2017 йилда иқтисодиётнинг устувор тармоқларини янада ривожлантиришни таъминлаш мақсадида келгуси йилда амал қилиш муддати тугаётган солиқ имтиёзларининг муддатини узайтириш таклиф этилмоқда. Бу эса тадбиркорлар тасарруфида келгуси йилнинг ўзида қарийб 500 миллиард сўмга яқин маблағ қолдириш имконини бериб, уларга ўз айланма маблағларини тўлдириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлашни амалга оширишлари учун қўшимча манба бўлиб хизмат қилади.


**(Давоми 2-бетда).**


## Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари

ёшлар таълим-тарбиясида алоҳида аҳамиятга эга



ҲАФТАЛИК

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Бугун ҳаётимизни ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиш мушкул. Барча соҳа ривожида ҳам ана шу замонамиз мўъжизаси алоҳида аҳамият касб этмоқда. Хусусан, кутубхона тизимининг компьютерлаштирилиши юртдошларимизнинг керакли адабиётлар билан танишиш, қулай ва тезкор ахборот олиш имкониятларини янада кенгайтираётир.


**(Давоми 3-бетда).**


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

*28 октябрь куни Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.*

**САЙЛОВ — 2016**

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан Сарвар Садуллаевич Отамуратов, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Шавкат Миромонович Мирзиёев, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Хатамжон Абдурахмонович Кетмонов, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Наримон Мажитович Умаров Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар этиб рўйхатга олинди.

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан уларнинг сайловолди ташвиқоти бошланади. Шу муносабат билан мажлисда сайловолди ташвиқоти билан боғлиқ масала кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Шу куннинг ўзида Марказий сайлов комиссиясининг бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг ишончли вакилларини рўйхатга олиш ҳамда Комиссия ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун онлайн режимида брифинг ўтказилди.

Марказий сайлов комиссияси Раиси М. Абдусаломов тадбир иштирокчиларини Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарликнинг бориши ҳақида хабардор қилди.

Сайлов кампанияси мамлакатимиз қонунчилиги ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурига тўла мувофиқ ҳолда амалга оширилаётгани таъкидланди.

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 28-моддасига асосан, сайловолди ташвиқоти Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар рўйхатга олинган кундан бошланади.

Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга оммавий ахборот воситаларидан Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда тенг фойдаланиш ҳуқуқи берилади ва таъминланади.

Жумладан, сиёсий партиялардан келиб тушган таклиф ва истакларни инобатга олиб, ҳар бир номзодга ўз сайловолди дастурларини аҳолига етказиш учун Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Ўзбекистон” ва “Ёшлар” телева радиоканалларида 638 дақиқадан, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 12 та ҳудудий телеканалларида 206 дақиқа, “Тошкент” телерадиоканалида 286 дақиқадан бепул эфир вақти ажратилади.

“Халқ сўзи”, “Народное слово” ва “Правда Востока” газеталарида 6 саҳифадан, “Нурлы жол” ва “Овози тожик” газеталарида 5 саҳифадан иборат нашр майдони бепул берилади. Бундан ташқари, ҳудудлардаги 30 та маҳаллий газетада ҳар бир номзод учун 55,5 саҳифа нашр майдони бепул тақдим қилинади.

Шунингдек, номзодларнинг ҳар бири республикамиз бўйича 642 тадан ташқи реклама воситасидан, яъни махсус конструкциялар, экранлар, биллбордлардан ўз дастурий ғоя ва мақсадларини тарғиб қилишда фойдаланадилар. Республикамизнинг 36 та электрон мониторида ҳам номзодларнинг ташвиқот роликларини бепул жойлаштириш имконияти яратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар оммавий ахборот воситаларида сайловолди ташвиқоти материалларининг турлари, шакллари, услублари ва мазмунини мустақил белгилайдилар.

Таъкидлаш жоизки, сайловолди ташвиқоти даврида тенг шарт-шароитлар яратиш тамойили партия нашрларига нисбатан татбиқ этилмайди. Улар тегишли материалларни исталган ҳажмда чоп этишлари мумкин.

Брифинг мобайнида тайёргарлик ишлари ҳақида ҳам фикр юритилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш учун 9378 та, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг хорижий ваколатхоналари ҳузурида 44 та сайлов участкаси тузилди. Сайлов участкалари зарур алоқа воситалари, компьютер ва ташкилий техника, ҳуқуқий адабиётлар билан таъминланган. Махсус белгиланган жойларда яширин овоз бериш учун сайлов кабиналари, сайлов қутилари ўрнатилган.

Округ сайлов комиссиялари томонидан участка сайлов комиссиялари таркиблари шакллантирилиб, уларнинг фаолиятига 98 мингдан зиёд киши жалб қилинган. Комиссия аъзоларининг 69 фоизи илгари сайлов комиссияларининг фаолиятида бевосита иштирок этган ва муайян тажрибага эга фуқаролардир. Участка сайлов комиссиялари таркибида хотин-қизлар сони 47,4 фоизни ташкил этади. Участка сайлов комиссиялари раисларининг 26,7 фоизи хотин-қизлардир.

Брифингда сайлов кампаниясининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш масалаларига, оммавий ахборот воситаларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга тааллуқли ахборотлардан фойдаланишлари учун барча шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги таъкидланди. Ҳозирга қадар Марказий сайлов комиссияси томонидан маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 500 дан ортиқ вакили, округ сайлов комиссиялари томонидан қарийб 560 нафар маҳаллий журналист аккредитациядан ўтказилди.

**Қобил ХИДИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ

### САРВАР САДУЛЛАЕВИЧ ОТАМУРАТОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ЭТИБ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси томонидан кўрсатилган номзод **Сарвар Садуллаевич Отамуратов**ни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14, 25-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси томонидан кўрсатилган **Сарвар Садуллаевич Отамуратов** Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинсин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси Раиси М. АБДУСАЛОМОВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 28 октябрь

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ

### ШАВКАТ МИРОМОНОВИЧ МИРЗИЁЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ЭТИБ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан кўрсатилган номзод **Шавкат Миромонович Мирзиёев**ни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14, 25-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан кўрсатилган **Шавкат Миромонович Мирзиёев** Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинсин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси Раиси М. АБДУСАЛОМОВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 28 октябрь

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ

### ХАТАМЖОН АБДУРАХМОНОВИЧ КЕТМОНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ЭТИБ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан кўрсатилган номзод **Хатамжон Абдурахмонович Кетмонов**ни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14, 25-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан кўрсатилган **Хатамжон Абдурахмонович Кетмонов** Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинсин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси Раиси М. АБДУСАЛОМОВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 28 октябрь

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ

### НАРИМОН МАЖИТОВИЧ УМАРОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ЭТИБ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси томонидан кўрсатилган номзод **Наримон Мажитович Умаров**ни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14, 25-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси томонидан кўрсатилган **Наримон Мажитович Умаров** Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинсин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси Раиси М. АБДУСАЛОМОВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 28 октябрь

# ДЕПУТАТЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 2017 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ БЮДЖЕТЛАРИНИ, ШУНИНГДЕК, СОЛИҚ ВА БЮДЖЕТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Келгуси 2017 йилги Бюджетнома янгича ёндашувлар асосида мукаммал, чуқур таҳлилларга асосан ишлаб чиқилган. Мазкур ҳужжатда кўзда тутилган чора-тадбирлар давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилаётган мақсадлар ва устувор йўналишларни, шунингдек, охирги пайтларда қабул қилинган Президент Фармон ва қарорларида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашга қаратилганлиги эътиборга молик, — дейди **Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзоси Д. Жалилова.** — 2017 йилги Давлат бюджети лойиҳасида маданият муассасаларини сақлаш ва спорт тадбирларини ўтказиш харажатларининг ҳажми жорий йилдагига нисбатан 16,7 фоизга оширилганлиги, бунда республиканинг тарихий-меъморий, ижтимоий-маданий ва туризм салоҳиятини эҳтиётлаб сақлашни таъминлаш, шунингдек, янада оммалаштириш ва тарғиб қилиш мақсадида мамлакатимиздаги маданий ва археология мероси объектларида консервациялаш ва реставрация қилиш ишларини ўтказиш бўйича дастурни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 25,8 миллиард сўм, яъни жорий йилдагига нисбатан 1,17 марта кўп маблағ ажратиш таклиф этилмоқда. Бу халқимизнинг тарихий, маданий ва интеллектуал меросини асраб-авайлаб сақлаш имконини беради.

— Ижтимоий соҳага ажратилган Давлат бюджети маблағларининг улуши оширилиши бизнинг эътиборимиздаги асосий масала, — дейди **Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси Ш. Турсунбоев.** — Келгуси йилда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи тўловлари, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдорини инфляция даражасидан юқори миқдорларда оширилишининг изчил давом эттирилиши аҳоли турмуш даражасининг юксалишига хизмат қилади. Ундан ташқари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ўқув юкламаларини қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги таклифлар, таълим муассасаларида педагогик иш юкламасининг камайиши ҳисобига амалга оширилаётганлиги ўқитиш жараёни самарасини таъминлаш билан бирга, ўқитувчиларнинг иш вақтидан оқилона фойдаланишига имкон яратади.

Давлат бюджетининг умумий харажатларида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга ажратилган харажатлар 2000 йилда 42,5 фоиз бўлган бўлса, жорий йилда кутилаётган 59,5 фоиздан 2017 йилда 59,7 фоизга ошириш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, кам таъминланган ва моддий ёрдамга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлашга ва болали оилаларга бериладиган нафақалар учун ажратилган харажатлар 2017 йилда қарийб 2,6 триллион сўмдан ортиқ миқдорда, яъни 2008 йилдагига нисбатан 4 баробар кўп маблағ ажратилиши режалаштирилаётгани чуқур ўйланган ижтимоий сиёсатнинг натижасидир.

— Мамлакатимизнинг илмий-техник салоҳиятини тўлиқ ишга солиш имконини берувчи инновацион иқтисодиётнинг яратилиши муҳим вазифа ҳисобланади, — дейди **“Адолат” СДП фракцияси аъзоси А. Шодмонов**. — Фракциямиз иқтисодиётни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш тадбирларига катта эътибор беради.



Мамлакатимиз иқтисодиёти фан ва техниканинг энг илғор ютуқларига, иқтисодий жараёнларни самарали бошқаришга ва халқ таълими тизимига таяниши лозим. Бу борада 2017 йилги Давлат бюджети лойиҳасида жорий йилдагига нисбатан 13,0 фоизга оширилган ҳолда кўзда тутилган бўлиб, бу илм-фанни янада ривожлантириш ва давлат илмий-техникавий дастурлари доирасида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш имконини беради.

— Аҳолини ичимлик суви, экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашни, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, шунингдек, аҳоли пунктларини кўкаламзорлаштириш бўйича ишларни давом эттириш муҳимлигига эътибор қаратдик, — дейди **Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг раҳбари Б. Алихонов**. — Жалб этилаётган инвестицияларнинг, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик муаммоларни ҳал қилиш учун ажратилаётган Давлат бюджети маблағларидан мақсадли, самарали фойдаланилиши устидан парламент назоратини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, мамлакатимиз Бош вазири Шавкат Мирзиёев сўзга чиқди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги Давлат бюджетини ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати.**

# Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш — суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг бош мақсадидир

*“Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони эълон қилиниши муносабати билан “Суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотлари жамоатчилик нигоҳида” мавзуида ижтимоий сўров ўтказилди.*

Социологик тадқиқотда юртимизнинг шаҳар ва қишлоқларида яшаётган, аҳолининг турли ижтимоий қатламига мансуб, ҳар хил миллат ва эътиқод вакиллари иштирок этди.

Сўров натижалари шуни кўрсатдики, юртдошларимиз қонун устуворлиги тамойилини мустаҳкамлаш — суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотларининг асосий мақсади, деб билишади. Бу фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларининг асосий кафолатидир. Мутлақ кўпчилик респондентларнинг қайд этишича, жамиятни янада демократлаштириш аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти юксаклигига бевосита боғлиқдир.

Тадқиқот одамлар мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотларининг асосий мақсад ва моҳиятини теран англаб етганини намойиш этди. Аҳоли соҳанинг ислоҳ қилинишини суд-процессуал тизимига, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг жиноятчиликка қарши курашиш, ишбилармонлик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳуқуқий шароитлар яратиш соҳасидаги фаолиятига ижобий таъсир кўрсатди, деб ҳисоблайди.

Респондентларнинг аксарияти ўзини қонунга итоаткор фуқаро, деб билади, қонунларни ҳурмат қилади ва уларга риоя этади. Бундай фуқаролар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Сўровда қатнашган юртдошларимиз мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг муҳим йўналишларидан бири фуқаролар онгида инсон ҳуқуқи ва эркинлигига демократик ҳуқуқий давлатнинг олий қадрияти сифатида муносабатда бўлишини шакллантириш, ёш авлодни инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳисобланишини қайд этмоқда. Дарҳақиқат, ҳуқуқларини билган киши нафақат унинг таъминланиши учун курашади, балки ён-атрофда кузатилаётган воқеа-ҳодисаларга ҳам онгли муносабатда бўлади. Бу жамиятдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда уларнинг фаол иштирокига ҳам сабаб бўлади.

## ИЖТИМОИЙ ФИКР

Сўров шуни кўрсатдики, фуқаролар ҳуқуқлари бузилганда, уни қонуний асосда тиклашга ишонишади. Кўпчилик юртдошларимиз ҳуқуқи бузилганда, унинг тикланишига шубҳа қилмайди.

Респондентларнинг аксарияти, яъни 93,8 фоизи ўз ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатлангани ва таъминланганини қайд этган. Уларнинг фикрича, ушбу кўрсаткич қонун устуворлигида, фуқаролар шаъни ва қадр-қиммати ҳимоялангани, таълим, ижтимоий таъминоти ҳамда муҳофазаси, барча фуқаро учун меҳнат қилиш, касб танлаш ва касбий ўсиши учун тенг ҳуқуқ ҳамда шароит яратилгани, малакали тиббий хизмат кўрсатилиши, оила қуриш, эътиқод эркинлиги, миллий урф-одатлар ва қадриятлар ҳурмат қилинишида намоён бўлади.

Фуқароларнинг конституциявий асосда кафолатланган ҳуқуқларидан бири, бу сайлов ҳуқуқидир. Ижтимоий сўров шуни кўрсатдики, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг сиёсий жараёнларда, жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирокини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар самарали амалга оширилиб, демократик стандартларга жавоб берадиган сайлов тизими шакллантирилди. Бу тизим миллий қонунчилик ва халқаро ҳуқуқ меъёрларига тўлиқ мос келади. Бундай шарт-шароит 2016 йил 4 декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фуқароларнинг фаол иштирок этишига, мамлакатимиз келажаги ва тараққиёти учун овоз беришига хизмат қилади.

Респондентларнинг 96,9 фоизи мамлакатимизда 2008 йил 1 январдан ўлим жазосининг бекор қилингани тўғри қарор бўлганини ва буни доим қўллаб-қувватлашини билдирган. Бу ҳам юртдошларимизнинг инсоннинг яшаш ҳуқуқини таъминлашда инсонпарварлик ва демократик қадриятларга содиқлигини ифодалайди. Бу суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш, шахс эркинлиги ва дахлсизлигига риоя этилиши йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар изчиллигини кўрсатади.

Жамоатчилик фикридан яна бир карра шу нарса аён бўлдики, мустақиллик йилларида амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари натижасида улкан муваффақиятлар қўлга киритилди. Юртдошларимизнинг ишонч билдиришича, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоида ва тамойилларига уйғун бўлган қонун ҳужжатлари мамлакатимиздаги демократик ўзгаришларнинг ишончли ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

**«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази материаллари асосида тайёрланди.**

## 4 ДЕКАБРЬ — САЙЛОВ КУНИ

*Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар натижасида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини эркин амалга оширишни таъминловчи мустаҳкам қонуний асослар яратилди. Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилиги халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоида ва принципларига тўла мувофиқ равишда шаклланиб, такомиллашиб бормоқда.*

# Сайловолди ташвиқоти — сайлов кампаниясининг муҳим босқичи

Сайловлар — кучли фуқаролик жамиятига эга бўлган демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқ хоҳиш-иродасининг эркин ифодаланиши, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишининг асосий шаклидир. Демократик сайлов тизими орқали фуқаролар ўзи муносиб билган шахсларни ҳокимият органларига сайлайди, уларга нисбатан ўз муносабатини билдиради ҳамда давлат бошқарувини амалга оширишда қатнашади.

Маълумки, сайлов жараёнининг энг муҳим ва масъулиятли босқичларидан бири, бу — сайловолди ташвиқоти саналади. Чунки айнан ушбу босқичда Президентликка номзодлар, депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар ўзларининг келгуси фаолият дастурлари билан сайловчиларни таништирадилар ҳамда ушбу жараённинг нақадар фаол ва самарали ташкил этилганидан келиб чиқиб, тегишли овозларга эга бўлади. Шу маънода, сайлов жараёни иштирокчиларининг, айниқса, Президентликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти борасида қонунларда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлардан яхши хабардор бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Сайлов жараёни сайлов кампаниясини эълон қилиш, сайлов комиссияларини тузиш, номзодлар кўрсатиш ва уларни рўйхатга олиш, сайловга тайёргарлик кўриш, сайловни ўтказиш ва натижаларини эълон қилиш билан боғлиқ бир қатор босқичлардан иборат бўлиб, бунда сайловолди ташвиқоти муҳим ўрин тутади.

Сайловолди ташвиқоти, биринчидан, номзодларнинг шахси, билими ва салоҳиятини сайловчилар олдида тўла намоён қилишга, иккинчидан, сайловчиларни номзодлар дастурларининг асосий йўналишлари, мазмун-моҳияти ва келгусидаги режалари билан яқиндан таништиришга, учинчидан, сайловчиларни номзод учун овоз беришга ишонтиришга қаратилган муҳим восита ҳисобланади. Шунинг учун ҳам демократик давлатларда, шу жумладан, мамлакатимизда ҳам сайловлар жараёнида сайловолди ташвиқоти босқичига алоҳида эътибор берилади.

Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилигида сайловолди ташвиқоти билан боғлиқ ҳуқуқий асослар мустаҳкамланган бўлиб, улар мазкур тадбирнинг тенг, адолатли, очиқ ва ошкоралик асосида олиб борилишини тўла кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги ва бошқа қонунларида сайловолди ташвиқотини амалга оширишга доир қоида-талаблар мустаҳкамланган.

Сайловолди ташвиқотига оид қоидаларни белгилашда “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун муҳим аҳамиятга эга. Ушбу Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ, сайловчилар умумхалқ овозига қўйилган қарорларни, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодларни ёки ҳокимиятнинг вакиллик органларига кўрсатилган номзодларни ёқлаб ёки уларга қарши ташвиқот юритиш ҳуқуқига эгадирлар.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, 2015 йил 29 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунга асосан, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонунга бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу ўзгартишлар сайловолди ташвиқотининг моҳияти ва аҳамияти, турлари, шаклларини кенг ёритиб, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодларнинг сайловолди ташвиқотини олиб боришда ҳуқуқий кафолатларини янада кучайтирди.

Масалан, ушбу Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, сайловолди ташвиқоти — сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолият ҳисобланади. Сайловолди ташвиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади. Сайлов куни ва овоз бериш бошланишига бир кун қолганида сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмайди.

Сайловолди ташвиқотини сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматларидан ташқари), шунингдек, пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб бориш тақиқланади.

Сайловолди ташвиқотининг мақсади — сайловда иштирок этаётган номзоднинг билим ва салоҳияти, сайловолди дастурининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш орқали сайловчиларнинг ишончини қозониш ва маълум бир номзодга овоз беришга даъват этишдан иборат. Шуни таъкидлаш жоизки, сайловолди ташвиқоти номзодлар ва сиёсий партиялар учун ўз имкониятларини намоён қилиш йўлидаги ўзига хос сиёсий майдон ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов қонунчилигининг асосий вазифаси сиёсий курашнинг адолатли, холисона, очиқ ва ошкора олиб борилиши учун номзодларга тенг имконият ва кафолатларни яратиш орқали сиёсий плюрализм, яъни фикрлар эркинлиги ва хилмахиллиги асосидаги соғлом рақобатни таъминлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловдаги муваффақиятини белгиловчи муҳим омиллардан бири, бу — сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг тўғри усулларини танлай билиш. “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 28¹-моддасида сайловолди ташвиқотини олиб бориш турлари, шакллари ва усуллари мустаҳкамланган. Унга кўра, сайловолди ташвиқоти Президентликка номзоднинг дастури, сайловолди платформаси тўғрисидаги ахборотни номзодни ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш, номзод тўғрисидаги ахборотни уни ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш, омма олдида мунозаралар, баҳслар, матбуот конференциялари, интервьюлар, сўзга чиқишлар, сайловчиларнинг йиғилишлари, номзод тўғрисидаги роликларни жойлаштириш шаклида олиб борилиши мумкин.

Бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, телевидение, умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқлари, босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини чиқариш ҳамда тарқатиш, сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш тарзида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, сиёсий партиялар сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турлари, шакллари ва усулларидан ҳам фойдаланиши мумкин.

Сайловолди ташвиқотини олиб боришда оммавий ахборот воситалари ниҳоятда муҳим ўрин тутади. Шу боис қонунчиликда бу борада Президентлик ва депутатликка номзодлар ҳамда сиёсий партияларга тенг шароитларни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади. Мисол учун, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 28²-моддасида, сайловолди ташвиқоти оммавий ахборот воситалари орқали олиб борилиши кафолатланган. Сайловолди ташвиқоти олиб борилаётганда давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда Президентликка номзодларга ҳажмига кўра бир хил бўлган эфир вақти ва нашр майдонини бепул бериш йўли билан тенг шароитлар таъминланади. Номзодларга давлат оммавий ахборот воситаларида ҳақ эвазига ҳам эфир вақти ёки нашр майдони, нодавлат оммавий ахборот воситаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкин.

Сайлов кампаниясида иштирок этувчи оммавий ахборот воситалари томонидан эфир вақти, нашр майдони учун белгиланадиган ҳақ тўлаш шартлари ҳамда бошқа талаблар номзодлар учун тенг ва бир хил бўлиши керак.

Оммавий ахборот воситаларида тарқатиладиган ахборот ҳақиқатга мос бўлиши, Президентликка номзодларнинг, сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги керак. Ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни, шунингдек, номзодларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатиш тақиқланади.

Сайловолди ташвиқоти мақсадида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби, ҳажми ва вақти сиёсий партиялар билан келишилган ҳолда, Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Кўриниб турибдики, миллий қонунчилигимизда сайлов кампаниясининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган сайловолди ташвиқотини ўтказиш билан боғлиқ етарли шарт-шароит ва имкониятлар белгиланган. Ушбу қоида-талаблар сайловолди ташвиқотини олиб бориш борасидаги халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоида ва тамойилларига мос келади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга, депутатликка номзодларга ва сиёсий партияларга сайловолди дастурларининг мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш, сайловчилар билан бевосита учрашувлар ўтказиш орқали таништиришда тенг ҳуқуқлар яратилган. Ушбу ҳуқуқий кафолатлар, номзодлар ва сиёсий партияларга ўз дастурларини кенг тарғиб қилиш имконини беради.

Мамлакатимизда сайловолди ташвиқоти юритишга оид қонун нормалари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоида ва талаблари, ривожланган демократик давлатларнинг бу борадаги илғор тажрибаси ва халқимизнинг миллий менталитетини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилган бўлиб, фуқароларга давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали эркин ҳамда ихтиёрий иштирок этиш учун тенг шароитларни кафолатлайди.

**Камола АЛИЕВА,**
**Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси.**

# ИЖРО МАСЪУЛИЯТИ ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий судида амнистия тўғрисидаги қарор ижросини аниқ ва бир хилда таъминлаш мақсадида суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда мутасадди идоралар ўртасида ҳамкорликни янада кучайтириш масаласига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Омбудсман, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги мутасаддилари ҳамда жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва унга тенглаштирилган судлар раислари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

## ЖАРАЁН

Олий суд раиси Ш. Газиев ва бошқалар томонидан таъкидланганидек, юртимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқ ва эркинликлари тўлиқ таъминланишига эришилмоқда. Бу борада, шубҳасиз, жиноят қонунчилиги изчиллик билан либераллаштирилаётгани ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Мазкур саъй-ҳаракатлар моҳиятида инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойиллари ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг тақдимномасига биноан, Олий Мажлис Сенати томонидан шу йил 12 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги қарор мамлакатимизда амалга оширилаётган бағрикенглик ва инсонпарварлик сиёсатининг мантиқий давоми бўлди.

Амнистия акти эълон қилиниши халқимизга хос эзгулик ва раҳмдиллик, йиқилганни суяш каби асрий қадриятларимизнинг ёрқин амалий намунаси сифатида маҳкумларда қонунга итоаткорлик ҳиссини рағбатлантиради ва қонунни четлаб ўтган шахсларга тузалиш ҳамда оиласи бағрига қайтиб, жамиятнинг муносиб аъзоси бўлиш учун яна бир имконият беради.

Бу қарор қанчалик долзарб аҳамиятга эга эканлигини истиқлол даврида жами 27 марта амнистия акти эълон қилиниб, минглаб инсонларга нисбатан татбиқ этилгани, қанчадан-қанча оилаларга қувонч келтиргани мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, 2008 — 2015 йилларда эълон қилинган амнистия актлари 331 минг 500 нафар кишига нисбатан қўлланилди. Шундан 50 минг нафардан ортиғини аёллар, 7 мингга яқинини вояга етмаганлар, қарийб 5 минг нафарини 60 ёшдан ошган эркаклар, 3 минг 500 нафарга яқинини эса ногиронлар ташкил этган.

Иштирокчилар томонидан қайд этилганидек, амнистия актини қўллаш жараёнида очиқ-ошкоралик, холислик ва бетарафликни таъминлаш муҳим ҳисобланади. Шу мақсадда судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва мутасадди идоралар ҳамкорлигида кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Масалан, қарор очиқ ва ошкора қўлланиши устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш мақсадида сенаторлар, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, Омбудсманнинг минтақавий вакилларидан иборат ишчи гуруҳлар ташкил этилган бўлиб, улар жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумлар билан суҳбатлашмоқда. Уларнинг шахсий йиғмажилдлари билан танишиш, суриштирув, дастлабки тергов органлари юритувидаги терговга қадар ўтказилган текширув материаллари ва жиноят ишлари билан танишиш, озод қилинган шахслар билан олиб бориладиган ишларни мониторинг қилиш, ушбу жараённи оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишни таъминлаш бўйича ишлар ҳам амалга оширилмоқда.

— Ўтказилган тадбирда қарор мазмун-моҳияти ва аҳамиятидан ташқари, унинг очиқ ва ошкора қўлланишини таъминлаш ҳамда бу борадаги ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилгани ҳар бир иштирокчи учун айни муддао бўлди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси Умид Расулбердиев. — Амнистия актини қўллашда ошкораликни ҳамда жамоатчилик назоратини таъминлаш, хатоликларга йўл қўймаслик ва ходимлар масъулиятини ошириш бўйича ҳам зарур тавсиялар берилганини айтиш зарур. Табиийки, бу қарор ижроси билан боғлиқ фаолиятимизни изчил олиб боришимизда муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда жазодан озод этилган шахсларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш юзасидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ҳамда бу борадаги устувор вазифалар ҳам таҳлил қилинди. Жумладан, ҳозирга қадар озодликка чиққан шахсларга моддий ёрдам кўрсатиш, уларни ишга жойлаштириш, ёлғиз, ёрдамга муҳтожларни Мурувват ва Саховат уйларига жойлаштириш, вояга етмаганларни ота-оналар, ҳомийлик ва васийлик органларига топшириш, зарур ҳолларда таълим муассасаларига юбориш чоралари кўрилаяпти. Айни чоғда прокуратура, суд ва ички ишлар органлари, соғлиқни сақлаш муассасалари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда фуқаролар йиғинларининг шу йўналишдаги фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Давра суҳбатида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони соҳа ислоҳотларида янги босқични бошлаб бергани алоҳида айтиб ўтилди. Зеро, бу ҳужжатда ҳам суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг устувор вазифалари белгиланган бўлиб, булар пировардида фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишида муҳим ўрин тутади.

Якунда муҳокама қилинган масалалар бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Европа матбуоти Тошкентда бўлиб ўтган ИҲТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессияси якунлари ҳақида

18-19 октябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган Ислом ҳамкорлик ташкилоти (ИҲТ) Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессияси Европа матбуотида кенг ёритилди.

**БИЗ ВА ЖАҲОН**

Жумладан, Испаниянинг **“ATALAYAR” электрон журнали**да эълон қилинган Сан Пабло-Мадрид университети профессори Антонио Алонсонинг “Ўзбекистоннинг ИҲТга қўшган ҳиссаси: толерантликка асосланган ислом” сарлавҳали мақоласида таъкидланишича, Ўзбекистон Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев сессиянинг очилиш маросимидаги нутқида ҳақиқий ислом башарият дини ҳисобланиши ғоясига алоҳида эътибор қаратди. Ислом динини босқинчилик ва қон тўкувчилар билан тенглаштириб бўлмайди ҳамда ушбу муқаддас динни обрўсизлантирмоқчи ва таҳқирламоқчи бўлган кимсалардан ҳимоя қилмоқ зарур. Ислом қадриятлари ҳамда маданиятини бутун жамиятда тўғри тушуниш ва қабул қилиш муҳимдир, дунё халқларига мусулмон динининг асл моҳиятини етказиш — конфессияларaро мулоқот ҳамда тинчлик учун аҳамиятли.

Муаллиф Ўзбекистоннинг ИҲТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашига раислигидаги асосий мақсадлар ва истиқболлар ҳақида тўхталар экан, мамлакатимизнинг ислом дини ривожланишига қўшган ҳиссаси ҳақида сўз юритиб, Марказий Осиёдан етишиб чиққан машҳур мутафаккирлар номларини эслайди. Улар орасида, шубҳасиз, Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ҳамда бошқа буюк шахсларнинг исмлари бор. Муаллиф бугун Ўзбекистон таълим, маърифат ва асл ислом қадриятларини қайта тиклаш соҳаларида ҳамкорлик қилиш йўли орқали глобал хавфсизликни мустаҳкамлашга интилмоқда, дея таъкидлайди.

А. Алонсо Шавкат Мирзиёев нутқидаги яна бир муҳим жиҳат, бу — толерантлик, деб ҳисоблайди. Айнан бу борада Марказий Осиё, хусусан, асрлар давомида турли диний конфессиялар аҳил ҳолда мавжуд бўлиб келган Ўзбекистон улкан бой тарихий тажрибага эгадир.

“Ўзбекистонда толерантлик маданияти, асосан, сўнгги 25 йиллик мустақил тараққиёт йилларида янги босқичга чиқди. Давлат ҳамда жамиятнинг дунёвий моделини яратган мамлакатнинг Конституцияси бугун турли динларга эътиқод қилувчи фуқароларнинг барқарор ва аҳил турмуш кечиришининг ифодаси сифатида хизмат қилмоқда”, дейилади мақолада.

ИҲТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессияси ҳақидаги ахборот материаллари бир қатор немис матбуотида ҳам чоп этилди.

Жумладан, **“Presse Echo”** нашрида ёзилишича, Ўзбекистондаги исломнинг ўзига хос маданияти ҳамда фани ислом динининг муҳим, ажралмас асосларига айланди ва бу Тошкентдаги учрашувда яна бир бор билдирилди.

Нашрда мамлакатимизнинг Самарқанддаги Имом Бухорий меъморий мажмуаси ҳузурида халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш борасидаги ташаббусини жуда манфаатли ҳамда зарур, деб ҳисоблайди ва бу улкан ислом меросини чуқур ўрганишга хизмат қилишига, исломшунос олимлар ўртасида замонавий мусулмон дунёсидаги кўплаб муаммоларни ҳал этиш юзасидан илмий айирбошлаш ҳамда мулоқотнинг фаоллашувига туртки бўлишига умид билдирилади.

“Presse Echo”да, шунингдек, Ўзбекистоннинг ядро қуролидан холи зона географиясини кенгайтириш ташаббусига, шу билан бирга, Яқин Шарқда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш ғоясини қўллаб-қувватлашига эътибор қаратилади. Ушбу минтақада зиддиятлар кўлами кучаётган бир шароитда Яқин Шарқда ядро қуролидан фойдаланилиши борасидаги исталган таҳдид бутун дунё учун ҳалокатли оқибатга олиб келиши мумкин. “Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон раҳбарияти томонидан илгари сурилган таклиф нафақат ИҲТ аъзолари, балки бутун халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланиши шарт”, дея таъкидланади мақолада.

Ўз навбатида, Германиянинг **“Usbekistan Online” ахборот портали** қуйидаги мулоҳазаларни баён этади:

“Буюк Ипак йўлининг юрагида жойлашган Ўзбекистон ўтмишда халқаро савдо ва турли маданиятларнинг мулоқот маркази, илмий ҳамда фалсафий фикрлар ўчоғи бўлиб хизмат қилган. Бу ўлка улкан илмий мероси бутун инсониятнинг ютуқлари бўлган Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва бошқа кўплаб буюк олимлар ҳамда мутафаккирларнинг Ватани ҳисобланади.

Бугунги Ўзбекистон, бу — дунёвий давлат бўлиб, аҳолисининг 90 фоиздан зиёд қисми ислом динига эътиқод қилади. Ўзбекистон Конституциясига асосан, республиканинг ҳар бир фуқароси фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга. Асосий Қонунда белгилаб қўйилган ҳуқуқлар турли диний эътиқодга мансуб бўлган 130 дан ортиқ миллат ҳамда элат вакилларининг аҳилликда турмуш кечиришига мустаҳкам асосдир.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 16 та конфессиянинг манфаатларини намоён этувчи 2 мингдан кўп диний бирлашмалар рўйхатдан ўтган”.

Ўзбекистоннинг миллатлараро, маданиятлараро ва динлараро ўзаро англашувини таъминлаш тажрибаси ҳам ИҲТга аъзо давлатлар, ҳам Европа мамлакатлари томонидан ҳар томонлама ўрганишга муносибдир, дея таъкидланади немис нашрида. Шу муносабат билан ишонч билдириш мумкинки, Ўзбекистон улкан салоҳиятга эга бўлган ИҲТнинг дунёдаги нуфузи мустаҳкамланишига муҳим ҳисса қўшади.

**«Жаҳон» АА.**
Мадрид — Берлин

**АНЖУМАН**

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида “Инновация — 2016” анъанавий халқаро илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Тармоқлараро стратегик инновациялар ва ахборотлаштириш маркази, Тошкент давлат техника университети, Навоий кон-металлургия комбинати ҳамда бошқа бир қатор ташкилотлар томонидан уюштирилган ушбу тадбирда таълим, илм-фан соҳаси, саноат тармоқлари вакиллари, тадбиркорлар, шунингдек, Германия, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа давлатлардан олимлар иштирок этди.

# Инновация ва тараққиёт

Анжуманда инновациялар мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, интеллектуал салоҳиятни такомиллаштириш, янги саноат ҳамда молиявий технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқариш соҳаси фаолиятини кенгайтириш, маҳсулот сифатини ошириш, унинг экспортбоплигини таъминлашга доир вазифаларни ҳал этишда муҳим ўрин тутиши ҳақида сўз юритилди.

Давлатимизнинг соҳага бўлган эътибори натижасида янги тадқиқот йўналишлари очиш ва мавжудларини ривожлантириш учун қулай шароит яратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2006 йил 7 августда қабул қилинган “Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2008 йил 15 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ва 2010 йил 15 декабрдаги “2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарорлари инновацион фаолиятни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

Тадбирда қайд этилганидек, инновацион жараёнларнинг бир-бирига боғлиқлиги бугунги кунда ғоялар, услублар ва ишланмаларни уйғунлаштириш асосида турли илмий йўналишлар ҳамда фанлараро тадқиқотларни амалга ошириш натижасида муайян самараларга эришиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Айнан шу боис “Инновация — 2016” конференцияси ёшлар ва таълим масалалари, иқтисодиёт тармоқларида инновацион жараёнлар, ёнилғи-энергетика, минерал-хом ашё ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш учун инновацион усуллар ва технологиялар, тоғ-кон иши ҳамда металлургия, технологик жараёнлар ва объектларни бошқаришнинг автоматик ҳамда автоматлаштирилган тизимлари, тизимли таҳлил ва математик моделлаштириш, ахборот технологиялари ҳамда тизимлари, уларнинг амалий жиҳатлари, ахборот хавфсизлиги муаммолари, сув — саҳро — экология: муаммолар ва ечимлар каби илм-фан ҳамда амалиёт учун энг муҳим саккиз йўналишни ўз ичига олди.

Жараёнга ҳар йили ўтказиб келинаётган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида фаол қатнашаётган навқирон авлод вакилларини жалб қилиш, айниқса, муҳим. Шу боис ҳам ёшлар ва таълим масалаларига бағишланган шуъба йиғилишлари тадбир иштирокчиларида доимо катта қизиқиш уйғотади.

Қатнашчилар ёш олимлар давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, уларга инновацион тадқиқотларни ўтказишлари учун барча шароит яратилаётганини таъкидладилар. Шу сабабли тадқиқотларда иштирок этаётган истеъдодли йигит-қизлар сони йил сайин кўпаймоқда. Ушбу тадқиқотлар натижалари эса алоҳида амалий аҳамиятга эга бўлиб, миллий иқтисодиётимизнинг турли тармоқларида ишлаб чиқаришга жорий этилади.

**О. ЛУТФУЛЛАЕВ.**

# Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари

## ёшлар таълим-тарбиясида алоҳида аҳамиятга эга

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги Қонуни ва Биринчи Президентимизнинг 2011 йил 23 февралдаги “2011 — 2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари негизида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматлари кўрсатишни сифат жиҳатидан ривожлантиришни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борадаги ислоҳотларни юқори босқичга олиб чиқди.

Пировардида зиё масканлари янги нашр қилинган адабиётлар билан бойитилиб, соҳага илғор технологияларнинг жадал кириб бориши, хусусан, компьютер ёрдамида уларнинг электрон нусхаларини яратиш, масофадан туриб ўқитиш сингари тезкор фаолият турлари жорий этилди.

Бу жиҳатлар кеча пойтахтимизда ниҳоясига етган “INFOLIB — 2016" V Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги доирасидаги қатор тадбирларда яна бир карра ёрқин намоён бўлди.

Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўзбекистон Фанлар академияси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур ҳафталикдан кўзланган асосий мақсад ёшларнинг мутолаа маданиятини юксалтириш, маданий-маънавий меросимизни асраш, ахборот-кутубхона фойдаланувчиларига интернет орқали сифатли хизмат кўрсатиш имкониятларини кенгайтиришдан иборатдир.

Бу йилги анжуманда юртимизнинг турли ҳудудлар, вазирлик ва идоралар таркибидаги ахборот-кутубхона масканлари фаолиятини кенг ва атрофлича ўрганиш, таҳлил этиш, илғор иш тажрибасини оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Унинг ранг-баранг ва қизиқарли тадбирларида ўқувчилар, талабалар, китобхонлар фаол қатнашди. Соҳа мутахассислари иштирокидаги “Мустақилликнинг 25 йили: минтақалар ривожланиши динамикаси” номли видеомулоқот, “Энг яхши ахборот-кутубхона муассасаси мутахассиси — 2016” танлови, “Ахборот-кутубхона ресурслари каталогизациясининг долзарб масалалари” мавзуидаги тренинг, “Ўзбекистон ахборот-кутубхона муассасаларининг библиографик фаолияти: ривожланиш истиқболлари” мавзуидаги ўқув-семинар, “Замонавий ахборот технологиялари асосида ахборот-кутубхона ресурсларини сақлаш, реставрация ва консервация қилиш, электрон базасини яратиш” мавзуидаги ўқув-семинар, “Ахборот-кутубхона соҳасида маркетинг” номли тренинг каби тадбирларда долзарб масалалар муҳокама қилиниб, соҳани ривожлантиришга доир вазифалар белгиланди.

Эътиборлиси, ҳафталикнинг ҳар бир куни алоҳида йўналишда номланди. Жумладан, “Очиқ эшиклар”, “Ижод”, “Кўрик-танловлар”, “Билимлар ва хорижий тиллар”, “Маданиятлар хилмахиллиги” каби шиорларда учрашувлар, анжуманлар уюштирилди.

Миллий кутубхона, Халқ таълими вазирлиги, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигидаги “Ўқувчининг ахборот маданияти” номли ўқув-методик мажмуаси тақдимоти 1 — 4-синф ўқувчиларининг китобхонлик, интернет ва бошқа манбалардаги маълумотлардан фойдаланиш маданиятини оширишга хизмат қилган бўлса, “ZiyoNET” тармоғида масофавий таълим воситалари” номли ўқув дастурлар тақдимоти педагоглар, талабалар, мактаб ёшидаги ўғил-қизлар учун бирдек қизиқарли бўлгани, шубҳасиз.

— Ҳафталик доирасидаги тадбирлардан олам-олам таассурот олдим, — дейди пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 20-умумтаълим мактаби ўқувчиси Жавоҳир Жўраев. — Айниқса, ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар, олимлар, шунингдек, “Рио — 2016”да ғолиб бўлган спортчиларимиз иштирокидаги мулоқотларда фаол қатнашдим. Келажакда ўзим ҳам юртимиз равнақига ҳисса қўшадиган мутахассис бўлиб етишишни мақсад қилдим.

Тадбирлар давомида турли танлов ва кўргазмалар ҳам етакчи ўринни эгаллади. Хусусан, хорижий давлатларнинг элчихоналари, Британия кенгаши, Тошкентдаги Гёте институти билан ҳамкорликдаги анжуманларда илғор маърифий дастурлар ҳақида тўлақонли маълумотлар берилди, зиё масканлари ўртасидаги “Энг яхши ахборот-кутубхона муассасаси мутахассиси — 2016” танлови, Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларининг “Китоб уммони бўйлаб саёҳат” адабий савол-жавоб ўйини, “Таълим соҳасидаги ҳуқуқингизни биласизми?” викторинаси, “Юртим — менинг расмларимда” деб номланган болалар расмлари, “Ўзбекистон келажаги — менинг тасаввуримда” деб номланган адабий танловлар натижалари ҳам эълон қилинди.

Тадбир доирасида халқ амалий санъати бўйича семинар-тренинг, ўймакорлик, гиламдўзлик ва каштадўзлик бўйича маҳорат сабоқлари ўтказилди, шунингдек, озарбайжон, рус, уйғур, поляк, татар, қозоқ ва корейс миллий маданият марказлари бадиий жамоалари иштирокида концерт намойиш этилди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**ИНТИЛИШ**

*Андижон вилоятининг Қорасув шаҳридаги “Ю-фидо” корхонасида тайёрланаётган тўқимачилик ашёлари тури олтитага етди.*

# Маҳсулот тури олтитага етди

Бунга банкнинг 100 миллион сўмлик кредити эвазига амалга оширилган модернизациялаш тадбирлари туфайли эришилди. Натижада жамоа хорижлик ҳамкорларига дастлабки 30 минг АҚШ долларилик маҳсулот етказиб берди.

— Ойига 50 минг жуфт пайпоқ ишлаб чиқараяпмиз, — дейди фирма раҳбари Сирожиддин Шарофиддинов. — Шу билан бирга, янги-янги лойиҳалар устида изланишларни ҳам давом эттирмоқдамиз.

**Саминжон ҲУСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЭЪЛОНЛАР

**«VIP REAL ESTATE» МЧЖ**
**очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

2016 йил 16 ноябрь куни соат 12.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига Янгийўл тумани СИБ томонидан хатланган қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда:

* ЖИБ Янгийўл тумани судининг 2015 йил 23 сентябрдаги 1-530-15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Халқобод» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, умумий майдони 0,79 гектар ерда қурилган, 8 та литердан иборат бўлган гараж бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 190 728 046 сўм.***

* ФИБ Зангиота туманлараро судининг 2015 йил 14 сентябрдаги 1-5543-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Эски қовунчи» ҚФЙ, Т. Жўрабеков кўчаси, 106-уйининг томорқасида жойлашган:
— 1 иссиқхона.

***Бошланғич баҳоси — 10 454 739 сўм;***
— 1 иссиқхона.

***Бошланғич баҳоси — 6 951 722 сўм.***

2016 йил 2 декабрь куни соат 12.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига Ангрен шаҳар СИБ томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2016 йил 25 июлдаги 11-1635/8483-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, «Уввақ» ҚФЙ, «Гулбоғ» МФЙ ҳудудида жойлашган, 54 та литердан иборат бино-иншоотлар.

***Бошланғич баҳоси — 3 750 000 000 сўм.***

Мазкур кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган санадан бошлаб 5 (беш) банк куни мобайнида кўчмас мулк учун тўловни тўлиқ амалга ошириши лозим. Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Vip real estate» МЧЖнинг АТ «InfinBANK»даги МФО: 01041, СТИР: 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак:
— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси;
— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли вакил қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;
— закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати;
— хорижий юридик ва жисмоний шахслар — сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот.

Қўшимча хизматлар учун тўлов олинади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй.**
**Телефон: (0-595) 143-01-43.**
**Электрон почта: info@realtors.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1636R/465

Qishloq Qurilish Bank

**АТ «Қишлоқ қурилиш банк» намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларни олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қуйидаги омонат турларини таклиф этади:**

**«Мадад»**

***Маблағлар 1 йилдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади.***

**«Қурилишга бошланғич бадал»**

***Муддати — 1 йил.***

**Сизнинг омонатингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

**Мурожаат учун телефонлар:**
**(+99871) 150-72-58, 150-39-93.**
**www.qqb.uz**

***«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!***



1603R/65

Хизматлар лицензияланган.

# СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК — УСТУВОР МЕЗОН

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Фармацевтика мамлакатимизда жадал ривожланаётган саноат тармоқларидан бири ҳисобланади. Соҳага ихтисослаштирилган корхоналар сони йил сайин ортиб, импорт ўрнини босувчи кўплаб номдаги, рақобатдош, энг асосийси, юқори самарали дори воситаларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилаётгани бунинг ёрқин ифодасидир.

"Ўзфармсаноат" акциядорлик концернига қарашли "Ўзкимёфарм" акциядорлик жамияти мазкур тизимдаги йирик ишлаб чиқариш субъектларидан биридир. Ушбу хўжалик юритувчи субъект ампулали, таблетка ҳамда суюқ дори-дармонлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Кейинги йилларда техник ва технологик янгилаш ҳамда модернизациялаш лойиҳалари ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани туфайли корхонанинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Натижада 14 фармацевтик гуруҳга мансуб бўлган 100 хилдан ортиқ дори воситалари тайёрлана бошланди.



## ИЗЛАНИШ

— Инсоннинг энг катта бойлиги — унинг соғлиғи, — дейди "Ўзкимёфарм" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Шарофиддин Рўзметов. — Бизнинг олий мақсадимиз юртдошларимиз ва келажак авлоднинг ушбу бебаҳо бойлигини асраш, саломатлигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшишдир. Жамоамиз шу эзгу мақсад йўлида изланиб, аҳолига халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган дори-дармонлар етказиб бермоқда.

Корхонада ампулали дорилар тайёрлаш, фитокимё ҳамда таблетка цехлари фаолият кўрсатмоқда. Хусусан, ампулали дорилар тайёрлаш цехида 2010 йилда қўшимча линия ишга туширилиб, қуввати оширилди. Фитокимё цехи эса энг замонавий реактор қурилмалари ва экстракцион ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, улар ёрдамида йилига 870 минг донагача дори тайёрлаш мумкин. Таблетка цехида йилига 20 миллион ўрам "Цитрамон П", "Анальгин", "Парацетамол", "Аскорбин кислотаси" ва бошқа кўплаб номдаги дорилар ишлаб чиқарилади.

Корхонага келтирилаётган хом ашёдан тортиб, тайёрланаётган маҳсулотларгача назорат-таҳлил лабораториясида чуқур текширувдан ўтказилади. Бу эса барча жараённи самарали бошқариш, линияларнинг барқарор ишлаши, энг муҳими, дори-дармонларнинг сифати меъёр даражасида бўлишига хизмат қилаяпти. Натижада "Ўзкимёфарм" ёрлиғи туширилган фармацевтика маҳсулотларига бўлган талаб ортмоқда. Шунга мос равишда корхона қуввати ҳам ошиб бораётгани эътиборга моликдир. Масалан, 2015 йилнинг тўққиз ойида 6 миллиард 81 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилнинг шу даврида 22 миллиард 257 миллион сўмликдан зиёдни ташкил этди. Шу жумладан, 82 миллион 242 минг ампулали инъекцион эритма, 11 миллион 153 минг донадан кўп суюқ дори ва таблеткалар тайёрланди. Пировардида шу давр ичида 18 миллиард 760 миллион сўм миқдорида соф фойда кўрилди. Қолаверса, 32 та янги иш ўрни очилиши эвазига жамият ишчи-хизматчилари сони 255 нафарга етди.

Таъкидлаш керакки, корхона жамоаси янги дори воситалари яратиш ва ишлаб чиқариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалари кимёси институти, Биоорганик кимё институти ва бошқа муассасалар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, чет элда ишлаб чиқариладиган тинчлантирувчи восита ўрнини босувчи, шифобахш ўсимликлардан тайёрланадиган "Фитопассит" сиропи яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий қилинди.

Ўсимлик моддалари кимёси институти билан ҳамкорликда эса юрак-қон томир хасталиклари учун мўлжалланган воситалар гуруҳига кирувчи янги антиаритмик дори — "Аксаритмин" яратилиб, тайёрлаш йўлга қўйилаётган бўлса, стенокардия хуружларининг олдини олувчи воситалар гуруҳига кирувчи "Кардиоэффект" дориси эса аллақачон республикамиз дорихоналарига чиқарилган.

Бундан ташқари, ўткир ва сурункали вирусли В, С ва Д гепатитларни даволаш учун мўлжалланган "Рагосин" таблеткаси ишлаб чиқарилаётган бўлиб, у Биоорганик кимё институти билан ҳамкорликда яратилди. Шунингдек, В ҳамда С гепатити, ёғли гепатоз ва жигарнинг бошқа дегенератив, дори ҳамда алкоголдан шикастланишда, жигар циррозида, тери касалликлари ҳамда аллергияда қўлланиладиган "Гепаглитц" инъекцияси ҳам ишлаб чиқаришга татбиқ этиш арафасида турибди. Корхона фаолиятидан бундай қувончли мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Сабаби жамоанинг асосий қисмини изланувчан, янгиликка интилувчан, ўз касбини пухта эгаллаган ёш мутахассислар ташкил этади.

Жамият цехлари техник ва технологик жиҳатдан янгиланаётгани янги фармацевтик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда қўл келаётир. Шу боис бу борадаги саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилиб, фитокимё цехида модернизация тадбирлари якунига етказилмоқда. Бу эса юртимиз аҳолисини маҳаллий доривор ўсимликлар асосида тайёрланган, импорт ўрнини босувчи дори-дармонлар билан таъминлаш имкониятларини янада кенгайтиради.

Маълумки, ўлкамизнинг айрим ҳудудлари ташқи муҳитида йод етишмовчилиги учраб туради. Бу жиҳат инобатга олинган ҳолда, таркибида йод (калий йодид шаклида) сақловчи "Микройодид" таблеткалари ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу восита аҳоли, айниқса, болалар, ўсмирлар, ҳомиладор ва эмизикли аёлларда буқоқ ривожланиши, йод етишмовчилигининг олдини олишда яхши наф беради. Қолаверса, буқоқ медикаментоз ёки жарроҳлик йўли билан даволанганидан кейинги йод танқислиги билан боғлиқ қайталаниш, чақалоқлар, болалар ва ўсмирларда кузатиладиган буқоқни даволашда ҳам кенг қўлланилади.

Корхонада дори воситалари билан бир қаторда, биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқаришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, "Фитин" таблеткалари тайёрланаяпти. Таркибидаги фосфор миқдорига кўра, у турдош препаратлардан устун бўлиб, кучли толиқиш ҳамда озиб кетишнинг олдини олишда, иштаҳа йўқолганда яхши самара беради. Муҳими, танада фосфор тўпланиб, умумий ҳолат яхшиланиши, суяк тўқималарининг ўсиши ва ривожланишини кучайтиради. Бундан ташқари, жамоа томонидан етказиб берилаётган "Йодофитат", "Аскофитат", "Феррофитат" каби биологик фаол қўшимчалар ҳам ана шундай хусусиятларга эгалиги билан ажралиб туради.

— Очиғи, яқин-яқингача ички бозорда рақобатчиларимиз деярли йўқ эди, — дейди Ш. Рўзметов. — Бугунги кунга келиб эса, ҳаётий зарур дори-дармонлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган замонавий корхоналар сони тобора кўпаймоқда. Мазкур соҳада самарали фаолият кўрсатиб келаётган "Радикс", "Меримед", "Реми-ди", "Самсунг Тошкент", "Само" корхоналари шулар сирасига киради. Бу соғлом рақобат муҳити юзага келганидан далолатдир. Шундай экан, корхонамизда ишлаб чиқарилаётган дори воситалари нафақат сифатли, юқори самарали, шу билан бирга, ташқи кўриниши бежирим, дизайни эса ўзига хос бўлишига ҳам жиддий эътибор қаратишимиз лозим.

"Ўзкимёфарм" акциядорлик жамияти фаолиятини ана шу тамойиллар асосида йил сайин кенгайтириб, ишлаб чиқарилаётган дори-дармонлар тури ва ҳажмини кўпайтириш устида тинимсиз изланмоқда. Бу эса кутилган самараларни бериб, юксак муваффақиятларга мустаҳкам пойдевор бўлмоқда.

**Усмон УСМОНОВ тайёрлади.**

*Хизматлар лицензияланган, маҳсулотлар сертификатланган.*


## «Kim oshdi savdo servis» МЧЖ
### Тошкент шаҳар филиали



**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

2016 йил 18 ноябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳкўчаси, 42-уйда ўтказиладиган аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Суд департаменти томонидан ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2015 йил 20 июлдаги 2-285-30М-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Олтин водий кўчаси («Тошкент ОРМЗ»)да сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

**1.** 2004 йилда ишлаб чиқарилган, қизил рангли, кузов рақами ZHWGE11S14LA 01386, давлат рақами PB 476 T77 бўлган, «Lamborghini Gallardo» русумли автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 615 583 497 сўм.***

**2.** 2009 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, двигатель рақами 27396330337032, кузов рақами 4JGBF8GEXAA573499, шассиси рақамсиз, давлат рақами 01 С 624 КА бўлган, «Mercedes GL550» русумли автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 397 553 521 сўм.***

2016 йил 18 ноябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳкўчаси, 42-уйда ўтказиладиган аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Суд департаменти томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 16 февралдаги ЖСҲ-1-69/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Чангалзор мавзук кўчаси, 3-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

**1.** 1984 йилда ишлаб чиқарилган, двигатель рақами 60199, кузови самосвал, ботқоқ (хаки) рангли, техник носоз, давлат рақами 10 BE 429 бўлган, «КамАЗ-5511» русумли автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 30 283 200 сўм.***

**2.** 1981 йилда ишлаб чиқарилган, двигатель рақами 60941, кузови самосвал, апельсин (оранжевый) рангли, техник носоз, давлат рақами 10 BE 430 бўлган, «КамАЗ-5311» русумли автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 23 584 500 сўм.***

**3.** 1991 йилда ишлаб чиқарилган, двигатель рақами 812046, кузови контейнер ташувчи, пушти рангли, техник носоз, давлат рақами 10 BA 712 бўлган, «КамАЗ-5320» русумли автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 29 367 000 сўм.***

**4.** 1984 йилда ишлаб чиқарилган, двигатель рақами 696772, кузови контейнер ташувчи, сариқ рангли, техник носоз, давлат рақами 10 AZ 010 бўлган, «КамАЗ-55102» русумли автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 25 272 000 сўм.***

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 17 ноябрь куни соат 18.00.

2016 йил 2 декабрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳкўчаси, 42-уйда ўтказиладиган аукцион савдосига ЖИБ Учтепа тумани судининг 2015 йил 28 сентябрдаги 45104/9-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Боситхон кўчаси, 131-уйда сақланаётган, 2011 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли (белая касабланка), техник носоз, давлат рақами 01 P 334 OA бўлган, «Nexia СОНС» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 7 820 400 сўм.***

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 1 декабрь куни соат 18.00.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакил қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома.

Мазкур автотранспорт воситалари билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Kim oshdi savdo servis» МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» «Тинчлик» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004959643001, МФО: 00580, СТИР: 302221689.

1638R/660

**www.koss.uz Телефонлар: (0-371) 276-42-62, (+99897) 790-95-95.** Гувоҳнома № 5477.



## «RESPUBLIKA MULK MARKAZI» АЖ
### Тошкент шаҳар минтақавий филиали

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил марказига тегишли, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уйда сақланаётган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз, давлат рақами 01 717 CBA бўлган, «Nexia» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 18 882 710 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 30 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 28 ноябрь куни соат 18.00.

Автотранспорт воситаси мазкур кунда сотилмай қолган тақдирда, унинг такрорий аукцион савдолари 2016 йил 7 ва 14 ноябрь кунлари соат 11.00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 7 ноябрдаги савдо учун — 5 ноябрь куни соат 18.00, 2016 йил 14 ноябрдаги савдо учун — 12 ноябрь куни соат 18.00.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452142, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Аукцион савдоси ғолибига 5 (беш) банк куни мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

1639R/146

*Гувоҳнома № 001580.*

**Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 19-уй.**
**Телефон: (0-371) 233-28-52. www.rmm.uz**



## «ЎЗМЕЛИОМАШЛИЗИНГ»
### ЛИЗИНГ КОМПАНИЯСИ

**қийматининг 30 фоизидан кам бўлмаган қисмини олдиндан тўлаш шарти билан қуйидаги техникаларни узоқ муддатга лизинг асосида таклиф этади:**

- **автокран** — «MAN» ва «ISUZU» шассиларида (юк кўтариш имконияти — 16 тонна);
- **автосамосвал** — «MAN» шассисида (юк кўтариш имконияти — 20 — 25 тонна);
- **краноманипулятор** — «MAN» шассисида (юк кўтариш имконияти — 5 тонна);
- **ёнилғи ташиш машинаси** (автобензовоз) — «ISUZU» шассисида, идишининг сиғими — 4 тонна;
- **лазерли ер текислагич** (қамраб олиш кенглиги — 3,5 метр).











*Лизинг шартномаси ва унга тегишли ҳужжатлар тўлиқ тақдим қилинган ҳолда, техникалар бир иш куни давомида расмийлаштириб берилади.*

**Маҳсулотлар сертификатланган.**

**МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:**
**(+99871) 239-46-25, 239-43-24, 239-43-65.**

Хизматлар лицензияланган.

1387R/596



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1067. 73 057 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона (0-371) 233-52-55;*
*Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.10 Топширилди — 22.45 1 2 3 4 5 6